

ТАСДИҚЛАЙМАН

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот
технологиялари технологик парки
дирекцияси” МЧЖ директори**



Ф.З.Ибрагимов

2022 йили “22” август

**ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДАГИ
“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА РАҚАМЛИ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЁШЛАРНИНГ ИМКОНИАТЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ” ЛОЙИҲАСИНИ ТЕХНИК
Қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш бўйича
ТЕХНИК ВАЗИФА**

“36” бетда

2022 йил “23” августдан амалда

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	4
1.1. Глоссарий	4
1.2. Хизматнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши	4
1.3. Томонларнинг номланиши	5
1.4. Лойиҳани амалга ошириш учун асос	5
1.5. Хизматни кўрсатишда режалаштирилган ишларнинг бошланиш ва тугатиш муддатлари	6
1.6. Ишларни молиялаштириш манбалари ва тартиби тўғрисида маълумот.....	6
1.7. Лойиҳани амалга ошириш бўйича иш натижаларини расмийлаштириш ва буюртмачига тақдим этиш тартиби.....	6
2. ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	8
2.1. Лойиҳанинг вазифалари.....	8
2.2. Лойиҳани яратиш мақсадлари.....	11
3. АХБОРОТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	13
3.1. Лойиҳани амалга оширишни асосланиши	13
3.2. Атроф-муҳитнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот.....	16
4. ИЖРОЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР	17
4.1. Ижрочига бўлган умумий талаблар.....	17
4.2. Иштирокчи ташкилотнинг ходимлари сонига қўйиладиган талаблар	17
4.3. Иштирокчи ташкилотнинг ходимлари малакасига қўйиладиган талаблар	18
5. ЛОЙИҲАНИНГ БОСҚИЧЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШга БЎЛГАН ТАЛАБЛАР	21
5.1. Очилиш маросимига бўлган талаблар (opening ceremony)	21
5.2. Рақамли тадбиркорлик соҳасини ҳозирги ҳолатини ўрганиш доирасида ташкилий ишларни амалга ошириш	21
5.2.1. Ўзбекистондаги АКТ бозори ҳолатини комплекс ўрганиш.....	21
5.2.2. Микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини диагностика қилиш ва баҳолаш	23

5.3. Рақамли тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга кўмаклашадиган дастурларни ишлаб чиқиш ва ташкилий ишларни амалга ошириш	24
5.3.1. Республикада рақамли тадбиркорлик салоҳиятини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш	24
5.3.2. Микро ва кичик тадбиркорлик субъектлари учун рақамли бизнесни ривожлантириш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш марказлари доирасида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.....	25
5.3.3. Рақамли бизнесни ривожлантириш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш марказлари учун ToT ўқув дастурини ишлаб чиқиш	26
5.3.4. Тадбиркорлик субъектларини экспорт потенциалини ривожлантириш учун дастурлар ишлаб чиқиш	26
5.3.5. Рақамли мураббийлик дастурини ишлаб чиқиш ва ташкиллаштиришда иштирок этиш.....	27
5.3.6. Аёллар учун интенсив амалиёт дастурини амалга ошириш доирасида ташкилиш ишларни амалга ошириш	28
5.3. СЕРТИФИКАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МАРОСИМИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР (CLOSING CEREMONY)	29
6. ЛОЙИХАГА УМУМИЙ ТАЛАБЛАР	30
6.1. Хавфсизликка қўйиладиган талаблар.....	30
6.2. Маълумотларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш талаблари.....	30
6.3. Патент ва лицензияли тартибга қўйиладиган талаблар	30
6.4. Стандартлаштириш ва унификация талаблари	30
7. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ	31
8. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ.....	33
9. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....	1
10. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТЕХНИК ТОПШИРИҚ ЛОЙИХАСИ КЕЛИШИЛАДИГАН ХОДИМЛАР РЎЙХАТИ	2

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

“Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳасини нг биринчи компоненти бўйича алоҳида тадбирларни амалга ошириш бўйича техник топшириқ Ўзбекистон Республикасининг О‘зДСт 1987:2018 “Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ” давлат стандарти асосида ишлаб чиқилди.

1.1. ГЛОССАРИЙ

Атама	Таърифи
ГОСТ/О‘зДСт	Давлат стандарти
АТ	Ахборот тизими
АКТ	Ахборот – коммуникация технологиялари
ИТ	Ахборот технологиялари
ВРО	Business Process Reengineering, Дастурий таъминотдан (дастурий-аппарат воситаларидан) фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ёрдамчи ишлаб чиқариш, маъмурий ва бизнес жараёнларни бошқариш (амалга ошириш) бўйича хизмат кўрсатиш (бизнес-жараёнларни аутсорсинг қилиш)
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ТоТ ўқув дастури	Тренигларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастур
БМТ ТД	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури
Business Development Services (BDS)	Рақамли бизнесни ривожлантириш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш марказлари

1.2. ХИЗМАТНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ ВА УНИНГ ШАРТЛИ БЕЛГИЛАНИШИ

Тадбиркорлик соҳасидаги “рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳасини техник қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш

Хизматнинг қисқача номи: Тадбирлар (матнда “Хизмат” деб юритилади)

1.3. ТОМОНЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

Лойиҳа буюртмачиси:

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (қисқача - ИТ Парк)

Манзил: Тошкент ш., Тапамасжид кўч., 4-уй

Тел.: +998 71 209-11-99

Электрон почта: info@it-park.uz

Лойиҳа ижрочиси:

Танлов асосида белгиланади.

1.4. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН АСОС

Ушбу лойиҳа қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 589-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қароридаги 7-илова билан тасдиқланган “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича” «Йўл харитаси»нинг 4 ва 3 бандлари;
- 2022 йил 17 июнда “Қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш учун инклюзив ўқув дастурини ташкил этиш бўйича UNICEF ва ИТ Паркнинг қўшма лойиҳаси” концепцияси ҳамда лойиҳа бюджети;

- 2022 йил 17 августдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури ва ИТ Парк ўртасида имзоланган Масъул томонлар келишуви.
- Шу билан бирга, лойиҳа “Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси рақамли тадбиркорлик муҳитини ва ёш тадбиркорларнинг рақамли кўникмаларини яхшилаш, рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорлик сиёсатини ривожлантириш учун ёшларни жалб қилишган ҳолда институционал салоҳиятни кучайтириш, тўсиқларни камайтириш ва ёшларнинг рақамли бизнес лойиҳалари ва стартаплари учун яхши молиялаштириш имкониятларини яратишга қаратилган.

1.5. Хизматни кўрсатишда РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАРНИНГ БОШЛАНИШ ВА ТУГАТИШ МУДДАТЛАРИ

Хизматни кўрсатишда режалаштирилган ишларнинг бошланиш ва тугаш муддати қуйидагича:

Лойиҳа давомийлиги: 26 иш куни.

Лойиҳа 4 та босқичда амалга оширилади.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича босқичлари ҳақида маълумот ва тўловлар жадвали ушбу техник вазифанинг “8. Лойиҳани амалга ошириш жараёнининг таркиби ва мазмуни” бандида кўрсатилган.

1.6. ИШЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА ТАРТИБИ Тўғрисида МАЪЛУМОТ

Молиялаштириш тартиби ва тўлов шартлари шартномада кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади.

1.7. Лойиҳани амалга ошириш бўйича иш НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БУЮРТМАЧИГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

Хизматни амалга оширилганидан сўнг қабул қилиш Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида имзоланган молиявий, ташкилий - маъмурий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши керак.

Лойиҳанинг алоҳида босқичларини қабул қилиш “Хизматни кўрсатиш учун ишнинг таркиби ва мазмуни” бўлимида келтирилган календарь режа асосида амалга оширилиши керак. Муайян босқичлар ва умуман иш

тугаганидан сўнг, Ижрочи Буюртмачига босқичларнинг ҳисоботларини ҳамда бажарилган ишлар далолатномаларини тақдим этади.

Агар ишларни бажариш жараёнида ушбу техник топшириқда томонлар томонидан акс эттирилмаган (ёки етарли даражада акс эттирилмаган) алоҳида масалалар ва қарорларни батафсил кўриб чиқиш ва келишиш зарур бўлса, Ижрочи ва Буюртмачи “Қўшимча техник топшириқ” ҳужжатини ишлаб чиқишлари, мувофиқлаштиришлари ва имзолашлари мумкин.

2. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Лойиҳанинг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармонини амалга ошириш мақсадида ИТ Парк томонидан Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, рақамли кўникмалар, тадбиркорлик, рақамли воситалар ва қулай муҳитни яхшилаш орқали ёшларга, айниқса аёлларга имконият бериш мақсадида 2022 йилнинг 17 август куни Ўзбекистондаги Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури (кейинги ўринларда – БМТ ТД) билан “Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшлар имкониятларини кенгайтириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – кўшма лойиҳа) амалга ошириш бўйича масъул томонлар келишуви имзоланди.

Кўшма лойиҳанинг мақсадлари ёшларнинг рақамли дунёга кириши ва иштирокини кенгайтириш, шунингдек, тегишли таълим ва иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Ушбу лойиҳа Интернетдаги муҳим контентни топиш ва баҳолаш қобилиятидан тортиб онлайн маркетинг ва сотиш каби илғор фойдаланувчи ноу-хаугача бўлган рақамли кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, БМТ ТД ва Дирекция ўртасида имзоланган 2022 йил 17 августдаги масъул томонлар келишувига Тадбирларнинг иш режаси илова қилинган. Ушбу режага асосан лойиҳани амалга ошириш 13 та босқичда амалга оширилади.

Тадбирларнинг иш режасига асосан ушбу ўқув лойиҳанинг асосий вазифалари қуйидагича:

Ўзбекистондаги АКТ бозори ҳолатини комплекс ўрганиш доирасида:

- 1) Ўзбекистон ахборот технологиялари бозорини ўрганиш кўрсаткичлари бўйича зарур статистик, маъмурий ва бошқа маълумотларни егишда ташкилий ишларни амалга оширишда Буюртмачига кўмаклашиш;
- 2) зарур ҳолларда давра суҳбатлари, муҳокамалар ўтказиш йўли билан сўровлар бўйича маълумотларни егишни, учрашувлар ва муҳокамалар ташкил этиш;

- 3) Ўзбекистон ИТ бозорини ўрганиш лойиҳасини, макети ва матбаасини тайёрлашни ташкил этиш, шунингдек тадқиқотнинг оралиқ ва якуний натижаларини муҳокама қилиш учун давра суҳбатини ташкил этиш.

“Digital Pulse” онлайн воситасини қўллаш доирасида фаол иштирок этиш:

- 1) рақамлаштириш даражасини текширишни хоҳловчи ҳар қандай тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини баҳолаш ва баҳолаш натижасида олинган тавсияларга аниқлик киритиш;
- 2) республика учун мослаштирилган, ишга туширилган Digital Pulse воситаси бўйича фикр-мулоҳазаларни егиш;

Бизнес-жараёнларни аутсорсинг ривожлантириш вазифалари доирасида қуйидаги мақсадларда ташкилий ишлар амалга ошириш:

- 1) ВРО соҳасини самарали ривожлантириш учун ВРО компанияларининг фронт ва баск-офислари учун методологияни ишлаб чиқиш;
- 2) Ўзбекистонда ВРО соҳасида камида 2 та ВРО компанияси ёки янги йўналишларни (хизматларни) ишга тушириш ва ривожлантиришда кўмаклашиш;
- 3) республика ҳудудларидаги ВРО мактаблари (марказлари) салоҳиятини кучайтириш, шу жумладан методика, таълим дастурлари, тренинглар ва бошқаларни ишлаб чиқиш;
- 4) Ўзбекистонда режалаштирилган ВРО саммитининг ташкилиш ишларини амалга ошириш.

Республикада рақамли тадбиркорлик салоҳиятини ошириш дастурларини амалга ошириш вазифалари доирасида:

- 1) Digital Pulse воситасидан фойдаланиш орқали рақамли тадбиркорлик салоҳиятини ошириш учун зарур кўникмаларга бўлган талабни аниқлаш;
- 2) тадбиркорлик салоҳиятини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: ўқув режалари, қўлланмалар, ўқув материаллари ва бошқалар;
- 3) Буюртмачининг онлайн платформаларида лойиҳага оид материалларни онлайн ва офлайн форматларда жойлаштириш;
- 4) бизнес стратегияга бизнес юритишда рақамли воситалар, ёндашувлар ва инновациялар, интернет, ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформаларни жорий этиш орқали ёшлар етакчилигидаги

корхоналарни рақамлаштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш.

Рақамли бизнесни ривожлантириш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш марказлари учун ToT ўқув дастурини ташкиллаштириш доирасида:

- 1) рақамли кўникмаларга бўлган талабдан келиб чиқиб, Буюртмачи томонидан аниқланган марказлар доирасида тадбиркорлар учун хизматлар кўрсатувчи мутахассисларни келгусида тренерлар сифатида тайёрлаш учун ўқув дастурини ишлаб чиқиш;
- 2) ToT ўқув дастури асосида тегишли тренингларни ташкиллаштириш, ўтказиш ва ушбу марказларнинг барча муваффақиятли ўқитилган мутахассисларига сертификатлар бериш;

Микро ва кичик тадбиркорлик субъектлари учун BDS доирасида устувор ўқув модуллари ва хизматларини синовдан ўтказиш

- 1) Ўзбекистон ИТ бозорида тадбиркорлик субъектларини маслаҳат, мураббийлик ва бошқа дастурлар шаклида қўллаб-қувватлаш механизмларини ўрганиш;
- 2) BDS марказларини яратиш ва фаолиятининг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш;
- 3) BDS марказларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни камайтириш вазирлиги ҳузурида, ИТ Парк ва Маҳаллабай ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тажриба марказлари фаолиятига жорий этиш.

Рақамли мураббийлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазибалари доирасида:

- 1) Микро ва кичик тадбиркорлик субъектлари учун маслаҳат беришда иштирок этиши мумкин бўлган тегишли менторларни (Beeline, Yandex, Korzinka ва бошқалар) аниқлаш;
- 2) Рақамли мураббийлик дастурини ишлаб чиқиш.

Аёллар учун интенсив амалиёт дастурини амалга ошириш доирасида:

- 1) Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида стажёр аёлларни қабул қилишдан манфаатдор бўлган салоҳиятли компанияларни аниқлаш ва танлаш;
- 2) Мамлакатда фаолият юритаётган бошқа йирик, кичик ва ўрта бизнеснинг ИТ-компанияларида ёки рақамли бўлимларида, шу жумладан масофадан туриб стажёрларни қабул қилиш ва уларга раҳбарлик қилиш бўйича муҳим вазифалар мавжудлигини, шунингдек, бўлимлар/бўлимларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини аниқлаш;
- 3) мазкур техник ва молиявий таклифнинг мақсад ва вазифалари бўлимида келтирилган маълумотлар асосида БМТ ТДнинг “Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси билан келишилган ҳолда қизларни танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 4) Тасдиқланган мезонлар асосида қизларни дастлабки танлаш. ИТ Парк тегишли амалиёт дастурларини тузади: назарий (1 ой) ва амалий (2 ой) қисмлар.
- 5) Амалиёт ўташи, эгаллаган кўникмалари, стажёр аёлларнинг фикр-мулоҳазалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва қизларнинг тегишли ИТ-компанияларда иш билан бандлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (шартномалар, меҳнат дафтарчалари ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари) тақдим этиш орқали қизларни ишга жойлаштиришни тасдиқлаш.

2.2. Лойиҳани яратиш мақсадлари

Лойиҳанинг асосий вазифаси комплекс дастурни амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда рақамли бизнес соҳасида ёш тадбиркорларни, аёлларнинг тадбиркорлигини ривожланишишига кўмаклашишдир.

“Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси БМТТД ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қўшма ташаббуси бўлиб, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш, рақамли кўникмалар, тадбиркорлик, рақамли воситалар ва қулай муҳитни яхшилаш орқали ёшларга, айниқса аёлларга имконият беришга қаратилган.

Кўшма лойиҳа иш билан таъминланганлик, рақобатбардошлик ва COVID-19 ва шунга ўхшаш инқирозларга чидамликни оширишга ёрдам

беради ва шу тариқа тенгсизликни камайтиради, инклюзив, инновацион ва барқарор иқтисодий ўсишни ва янги иш ўринларини яратишни таъминлайди.

Қўшма лойиҳанинг мақсадлари ёшларнинг рақамли дунёга кириши ва иштирокини кенгайтириш, шунингдек, тегишли таълим ва иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Ушбу лойиҳа Интернетдаги муҳим контентни топиш ва баҳолаш қобилиятидан тортиб онлайн маркетинг ва сотиш каби илғор фойдаланувчи ноу-хаугача бўлган рақамли кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради:

- малакали кадрлар етишмовчилиги;
- вилоят ва шаҳарларда рақамли кўникмалар даражасидаги бўшлиқ;
- миллий АКТ соҳасидаги мутахассисларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш;
- IT экспорт салоҳиятини ошириш;
- Янги иш ўринларини яратиш;
- аҳолининг компьютер саводхонлиги ҳамда рақамли технологиялари соҳасидаги кўникмалари қониқарсиз даражада эканлиги.

3. АХБОРОТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ АСОСЛАНИШИ

2021 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастурининг “Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшлар имкониятларини кенгайтириш” янги қўшма лойиҳаси ишга туширилди.

Имзоланиш маросими вазирликда Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқулов, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Матилда Димовска хоним, шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчисининг маслаҳатчиси Валентин Гусев иштирокида бўлиб ўтди.

Лойиҳа:

- рақамли тадбиркорлик муҳитини ва ёш тадбиркорларнинг рақамли кўникмаларини яхшилаш;
- рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорлик сиёсатини ривожлантириш учун ёшларни жалб қилишган ҳолда институционал салоҳиятни кучайтириш;
- тўсиқларни камайтириш ва ёшларнинг рақамли бизнес лойиҳалари ва стартаплари учун яхши молиялаштириш имкониятларини яратишга қаратилган.

Маросимда ҳукумат томонидан янги иш ўринлари яратиш, янги бозорларга чиқиш, инновацияларни жорий этиш ва иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантиришда рақамли технологиялар имкониятларини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари таъкидлади. Шу сабабли, ёшларни иш билан таъминлаш миллий стратегиялари ёшларга рақамли аср салоҳиятидан фойдаланиш, мавжуд ва юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун имкониятлар яратиш чора-тадбирларини ўз ичига олади.

БМТ ТД ва миллий ҳамкорлар ўртасидаги янги ҳамкорлик Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, рақамли тадбиркорлик кўникмалари, воситалар ва қулай муҳит орқали ёшлар, айниқса аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилади. Бу бандлик имкониятларини, рақобатбардошликни, COVID-19 ва шунга ўхшаш инқирозларга чидамлилигини ошириш, шу орқали тенгсизликни камайтириш, инклюзив,

инновацион ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш каби умумий мақсадга хизмат қилади.

БМТ Тараққиёт дастурининг Доимий вакили Матилда Димовска хоним тадбирнинг муҳимлигини таъкидлаб, ҳукуматнинг ёшлар учун муносиб меҳнат ва даромад олиш имкониятларини рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Рақамли технология ёш аёллар ва эркакларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларига эришиш учун улкан салоҳиятга эга. Лойиҳанинг аниқ мақсадлари ёшларнинг рақамли дунёга кириши ва иштирокини ошириш, шунингдек, тегишли таълим ва иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Лойиҳа рақамли кўникмаларни, масалан, Интернетда муҳим контентни топиш ва баҳолаш қобилиятидан тортиб, онлайн маркетинг ва тижорат каби илғор фойдаланувчи ноу-хаугача ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳа БМТ ТДнинг рақамли ва яшил трансформация бўйича ҳукумат саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, фаол меҳнат бозори сиёсатини такомиллаштириш ва ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш бўйича амалга оширилаётган дастурий фаолиятининг мантиқий давомидир.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган. ИТ Паркнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардошли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқилишини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ички ва ташқи бозорларга кириб бориши, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш;
- ИТ Парк резидентларига фаолиятни амалга ошириш учун зарур инфратузилма, шу жумладан, замонавий лабораторияларни бериш, уларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари, шунингдек, акселерация дастурлари бўйича хизматлар кўрсатиш;
- стартап-лойиҳаларни амалга оширишда, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари соҳасида бошловчи ва кичик корхоналарга инновацион фаолият натижаларида кўмаклашиш;

- шу жумладан, замонавий технологиялар ва дастурий маҳсулотлар трансфери ҳисобига лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этишда резидентларга кўмаклашиш;
- юқори технологик маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш занжирининг узлуксизлигини таъминлаш учун илмий, илмий-тадқиқот, ўқув ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолияти ўзаро интеграциясига кўмаклашиш;
- ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг замонавий синфини шакллантириш мақсадида аҳоли ва ёшлар ўқитилишини ташкил этиш;
- ахборот технологиялари соҳасида етакчи компаниялар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда маҳорат дарслари, тренинглари ва малака ошириш курслари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ўтказиш.

Ушбу йўналишлардан келиб чиқиб, лойиҳани амалга ошириш учун ИТ Парк жалб қилинган.

2022 йилнинг 4 февраль куни ИТ Паркда БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда 2022–2024 йилларга мўлжалланган “Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш” номли ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Қолаверса, томонлар мамлакатимизда ИТ-таълимни ривожлантириш, рақамли кўникмаларни ошириш, ёш тадбиркорлар учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва рақамли иқтисодиёт масалаларига тўхталди.

Томонлар ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳамда, кўшма тадбирлар ўтказиш ва мамлакат ИТ-секторини ўрганишни амалга оширишга қизиқиш билдирдилар ва ушбу йўналишлар доирасида ҳамкорликни бошладилар.

Натижада, 2022 йил 17 август куни ИТ Парк ва БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида Шартнома имзоланди ва Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшлар имкониятларини кенгайтириш” кўшма лойиҳаси доирасида расмий тарзда ишга тушди.

3.2. АТРОФ-МУҲИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Автоматлаштириш объектларининг иш шaroитлари ва техник воситаларга нисбатан атроф-муҳит хусусиятлари қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

4. ИЖРОЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Ижрочига бўлган умумий талаблар

Ижрочи қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:

- Иштирокчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши;
- Иштирокчи ташкилот таълим фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома/лицензияга эга бўлиши;
- Иштирокчи ташкилотнинг асосий фаолият тури таълим фаолияти билан боғлиқ бўлиши;
- Иштирокчи ташкилотнинг таълим йўналишларидан бири ИТ дастурлар билан боғлиқ бўлиши;
- Иштирокчи ташкилотни қайта ташкил этиш, ликвидация қилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Иштирокчи бошқа ташкилотлар билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Иштирокчи “Харидор” билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлмаслиги керак;
- Иштирокчи “Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестри”га киритилган бўлмаслиги керак;
- Иштирокчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздор бўлмаслиги керак.

4.2. Иштирокчи ташкилотнинг ходимлари сонига қўйиладиган талаблар

Ижрочи лойиҳани амалга ошириш учун камида қуйидаги мутахассислардан иборат лойиҳа гуруҳини тузиши керак:

Бошқарувчи таркиб:

- 1) Гуруҳ раҳбари – 1 та одам;
- 2) Гуруҳ раҳбарининг ёрдамчиси – камида 1 та одам.

Изоҳ: агар лойиҳа раҳбарига қўйилган талабларга мос келган тақдирда, лойиҳа раҳбари ролини қуйидаги рўйхатда «» билан белгиланган мутахассислардан бири бажариши мумкин.*

Соҳалар бўйича мутахассислар:

- 1) ВРО соҳасидаги мутахассис – камида 1 та одам;
- 2) ИТ-мутахассис – камида 1 та одам;
- 3) ИТ таълим соҳасида мутахассис* – камида 1 та одам;
- 4) Стартап дастурлар бўйича мутахассис* – камида 1 та одам;

- 5) Методолог – камида 1 та одам;
- 6) Менторлик бўйича мутахассис* – камида 1 та одам;
- 7) Тадқиқотлар бўйича мутахассис* – камида 1 та одам;
- 8) Трекер – камида 1 та одам;
- 9) HR мутахассис – камида 1 та одам;

Умуман олганда, лойиҳани амалга ошириш учун Ижрочи камида 10 кишидан иборат лойиҳа гуруҳини шакиллантирилишини таъминлаши шарт, булардан камида 3 таси Иштирокчи ташкилотнинг асосий штатида ишлаб келаётган бўлиши шарт.

4.3. Иштирокчи ташкилотнинг ходимлари малакасига қўйиладиган талаблар

Ижрочи томонидан тузилган лойиҳа гуруҳи аъзоларининг тажрибаси ва малакаси қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

1. Гуруҳ раҳбари:

- ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Лойиҳа гуруҳларини бошқариш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Камида 3 та лойиҳани бошқариш тажрибасига эга бўлиши
- ✓ АКТ соҳасида лойиҳаларни жорий этиш бўйича тажрибага эга бўлиши;
- ✓ Инглиз, рус ва ўзбек тилларини билиши.

2. Гуруҳ раҳбарининг ёрдамчиси:

- ✓ 2 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Раҳбарлик лавозимларида ёки лойиҳаларни бошқариш бўйича камида 1 йил иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Инглиз, рус ва ўзбек тилларини билиши.

3. ВРО соҳасидаги мутахассис:

- ✓ 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ 3 йилдан ортиқ алоқа-марказида ва (ёки) ВРО ташкилотларида бизнес жараёнлари ва иш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича тажрибага эга бўлиши;
- ✓ Бизнес ёки тегишли соҳаларда диплом, сертификатлари бўлиши;
- ✓ Инглиз тилини билиши.

4. *ИТ мутахассис:*

- ✓ 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ 3 йилдан ортиқ ИТ хизматларини режалаштириш, ва (ёки) жорий этиш, ва (ёки) таъминлаш, ва (ёки) ишлашни такомиллаштириш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ ИТ учун масъул бўлимларда ёки ИТ компаниясида раҳбарлик лавозимида иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ ИТ ёки шунга ўхшаш соҳаларда диплом, сертификатлари бўлиши;
- ✓ Инглиз тилини билиши.

5. *ИТ таълим соҳасида мутахассис:*

- ✓ 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ ИТ таълим соҳасида 1 йилдан ортиқ иш тажрибаси бўлиши;
- ✓ Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибаси бўлиши;
- ✓ Ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш тажрибаси;
- ✓ ИТ ёки таълим соҳаларида диплом, сертификатлари бўлиши;
- ✓ Инглиз тилини билиши.

6. *Стартап дастурлар бўйича мутахассис:*

- ✓ 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Стартапларни ривожлантириш соҳасида тажрибага эга бўлиши;
- ✓ ИТ, таълим ёки бизнес билан боғлиқ соҳаларида диплом, сертификатлари бўлиши;
- ✓ Инглиз тилини билиши.

7. *Методолог:*

- ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Методологияларни ишлаб чиқиш тажрибага эга бўлиши;
- ✓ ИТ ва(ёки) таълим билан боғлиқ соҳаларида диплом, сертификатлари бўлиши;
- ✓ Инглиз тилини билиши.

8. *Менторлик бўйича мутахассис:*

- ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Ментор сифатида иш тажрибага эга бўлиши;
- ✓ Лойиҳаларни бошқариш бўйича иш тажрибасига эга бўлиш;
- ✓ Иқтисодиёт ёки молия соҳаларида таълим олганлиги;
- ✓ Рус ва инглиз тилларини билиши.

9. *Тадқиқотлар бўйича мутахассис:*

- ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Тадқиқотлар соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Инглиз ва рус тилларида хужжатлар ёзиш тажрибаси.

10. Трекер:

- ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Трекер сифатида лойиҳаларда иштирок этиш тажрибаси мавжудлиги;
- ✓ ИТ ва(ёки) молия, бизнес билан боғлиқ соҳаларида диплом, сертификатлари бўлиши.

11. HR мутахассис:

- ✓ 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Рус ва инглиз тилларини билиш;
- ✓ ИТ ва(ёки) HR соҳаси билан боғлиқ соҳаларда диплом, сертификатлари бўлиши.

Иштирокчи талабларга мос мутахассисларни жалб қила олишини тасдиқлаш сифатида лойиҳа гуруҳи аъзоларининг резюмеларига паспорт нусхаларини бириктириши лозим.

Шу билан бирга, тақдим этилган мутахассислар етарли даражада билим ва кўникмаларга эгаллиги Ижрочи томонидан суҳбат (интервью) ўтказиш асосида амалга оширилиши мумкин.

5. ЛОЙИХАНИНГ БОСҚИЧЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

5.1. Очилиш маросимиغا бўлган талаблар (OPENING CEREMONY)

